

Имом Термизий ўрта махсус ислом таълим муассасасида илк қори талабалар етишиб чиқди



16:03 / 14.09.2023 1026

Имом Термизий ўрта махсус ислом таълим муассасаси 4-босқич талабаси Абдуллаев Нодирбек ҳамда 3-босқич талабаси Ярашев Ҳабибуллоҳ қисқа муддат ичида Қуръони Каримни тўлиқ ёд олдилар.

Эътиборлиси, мадраса 2020 йили ташкил этилган бўлса, устозларнинг саъйи ҳаракатлари билан Имом Термизий ўрта махсус ислом таълим муассасаси тарихида илк қори талабалар етишиб чиқмоқдалар.

Н.Абдуллаев 1-курсда Қуръони Каримни 2 пора ёд олган эди, 2023 йилда, сўнги 1 йил ичида 20 порани ҳифз қилди.

Ҳ.Ярашев ҳам таълим муассасасидаги 2 йиллик таълими пайтида 4 пора Қуръонни ёд олган бўлса, 2023 йилнинг 7 ойида 25 порани ҳифз қилиб, тез фурсатда қори бўлди.

Тошкент ислом институти Таҳфизул Қуръон кафедраси ўқитувчиси Зафар қори Маҳмудов талабаларнинг Қуръон қироати илмлари ҳамда оятларни ёд олишини ривожлантириш мақсадида Имом Термизий мадрасасига жалб

қилинган. Бу эса ўз самарасини бермоқда.





